

Сайфиддин Сайфуллоҳ



**ФАТВО ВА ТАҚВО
КИТОБИ**



ТОҶИКОСТАЎ



0000000537

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Сайфиддин Сайфуллоҳ

*«Маслак ул-муттақин»
асари ҳақида*

ФАТВО ВА ТАҚВО КИТОБИ

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
«Фан» нашриёти
2005

3669

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

ToshDO'TAU

AXBOROT-RESURS MARKAZI

Handwritten signature

Ушбу рисола адабиётимизнинг забардаст вакилларида бири Сўфи Аллоҳёрнинг «Маслак ул-муттақин» асари таҳлиliga бағишланган. Унда муаллиф юртимизда ҳали таржима ва нашр бўлмаган бу салмоқли асарнинг гоёси, мавзулари ва аҳамияти ҳақида ўз кузатишлари ва мушоҳадаларини билдирган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Иброҳим ҲАҚҚУЛ
филология фанлари доктори

Тақризчи:

Акрам ДЕҲҚОН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

0403000000 – 3 – 836
С М355(04) – 2004

Рез.2004

ISBN 5-648-03054-1

© Сайфиғдин САЙФУЛЛОҲ





СЎФИ АЛЛОҲЁРНИНГ ҲАЁТИ ВА «МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН» АСАРИ

Ўзбек адабиётининг забардаст сиймоларидан бири, зуллизонайн шоир, фақих, нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси Сўфи Аллоҳёр ҳазратлари ўзидан бой ва ранг-баранг асарлар қолдирди.

Бу комил инсоннинг туғилган ва вафот этган йили ҳақида ҳар хил фикрлар билдирилган.

Илмий тадқиқотлар ва тазкираларда қайд этилишича, Сўфи Аллоҳёр тахминан 1650 йиллар Самарқанддаги Каттақўрғон беклигига қарашли минглар қишлоғида Аллоҳқули (Темирёр) хонадониде туғилган. Умрининг охирида Сурхандарё вилоятининг Денов қишлоғида яшаган бўлиб, тахминан 1721 йиллар вафот этган ва ўша ерда дафн этилган¹.

Демак Сўфи Аллоҳёр XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида яшаб, ижод этган. Шунингдек, у кишининг айнан шу даврларда яшаб ўтган оташнафас, вали шоиримиз Бобораҳим Машраб (1650-1711) билан учрашганлиги, мулоқот қилганлиги ҳам манбаларда келтирилган.²

¹ Қаранг: Иноятullo Сувоиқулов. Сўфи Аллоҳёр. Тошкент, «Фан», 1995, 13-28-бетлар. Яна: Рашид Зоҳид. «Сўфи Оллоёр ҳақида нималар биламиз?». «Шарқ юдузи» журнали, 1990, 12-сон; Рашид Зоҳид. Тарозу борига иқроримиз бор. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991, 8-сон. Яна: И. Бекмуродов. «Каттақўрғоннинг қисқача тарихи». Самарқанд, «Зарафшон», 1993 й., 9-10-саҳифалар. Яна: Пўлатжон домўлла Қайюмов. «Тазкираи Қайюмий». 3 жилдлик, 1-жилд. Тошкент, 1968, 61-62 -бетлар.

² Қаранг: Қиссаи Машраб. Тошкент «Ёзувчи», 1992, 151-152-бетлар. Яна: Исҳоқ Богистоний. «Тазкираи қаландарон». «Шарқ юдузи» журнали. 1990 й., 8-сон, 156-бет.

Манбаларда таъкидланишича, ҳазрат Сўфи Аллоҳёр «Маслак ул-муттақин», «Мурод-ул-орифин», «Сирож-ул-ожизин», «Махзан-ул-мутиъийн», «Нажот-ут-толибин» каби асарлар ёзган. Баъзи олимлар «Фавз-ун-нажот» китобини ҳам Сўфи Аллоҳёрга нисбат берадилар.

Октябр инқилобига қадар бу асарлар форсий ва туркий тилда сўзлашувчи ҳар бир мўъмин ва мусулмон томонидан эъзоланиб, ўқиб келинган. Бу асарларга арабий, форсий ва туркий шарҳлар битилган. Махсус луғатлар тузилган.

Аммо, афсуслар бўлсинки, совет даврида Сўфи Аллоҳёр ижоди диний-мистик адабиёт тамғаси остида тақиқланиб келинди. Қайта қуриш, ошкоралик, айниқса, жумҳуриятимиз Мустақиллиги шарофати билан Сўфи Аллоҳёр ижоди ҳам кенг тарғиб этила бошланди. Асарларидан баъзилари нашр этилди. Ҳаёти ва ижодиёти илмий муомалага киритилди.

Биз ушбу рисола ни улкан шоирнинг «Маслак ул-муттақин» («Тақводорлар маслағи») номли китобнинг муҳтасар таҳлиliga бағишладик. Бу асар шеърий шаклда, форс тилида битилган бўлиб, асосан фикҳ, яъни шариат қоидалари, эътиқод ва ахлоқ каби масалалардан баҳс этади.

«Маслак ул-муттақин» арузнинг хафиф баҳрига мансуб фоилотун мафоилун фаълон (—v— —v—v— —~) вазнида ёзилган. Умумий ҳажми ўн икки минг байтдан ортиқроқ. Буни шоир «Сабот-ул-ожизин»да қуйидагича қайд этган:

*Битибсан форсий тилда китобе,
Тамом анда масоилнинг жавоби.
Ҳама тақвову фатвонинг баёни,
Ўн икки мингдан ортуқ байти он¹.*

Шоир «Маслак ул-муттақин»да унинг ёзилган йилни қуйидаги сатрларда кўрсатиб ўтган:

¹ Сўфи Аллоҳёр. Сабот-ул-ожизин. Тошкент - «Меҳнат» - 1991. 90-

*Шукрҳо бо Худо зи баъди салот,
Фитр, қурбониву китоби закот.
Дар ҳазору сагу дувоздаҳ ийн,
Шуғ адо мучмалан алат-таъйин.*

(Аллоҳга шукрлар бўлсинки, намоз, фитр, қурбонлик, закот ҳақидаги китоблар хулоса қилиниб, 1112 ҳижрий камарий (1700-1701 мелодий) йил ёзиб тугалланди).

*Бисту чор аз маҳи муҳаррам буг,
Рӯзи гушанба ин гури масуг.*

(Муҳаррам ойининг йигирма тўртида, душанба куни бу мақсад дурри (марвариди) қўлга киритилди).

*Шукрҳо бо Худои поянда,
Бирасонги баматлуби банда.*

(Боқий Худога шукрлар бўлсинки, каминани матлабига етказди).

*Гар набошаг инояти ёрц,
Ман кию каргани чунин корц.¹*

(Агар ёрнинг (Аллоҳнинг) инояти бўлмаганда эди, мен ким эдимки, бундай ишни қилардим?!)

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, Сўфи Аллоҳёр бу асарини элик ёшлар атрофида ёзган деб тахмин қилиш мумкин.

Маълумки, шариат - исломий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари, ахлоқ нормалари, диннинг маънавий ва амалий шарт ва ҳукмларини ўз ичига олади. Уни мусулмончиликнинг қонунлар мажмуаси, дейиш мумкин. Шариатда давлат бошқариш, мерос олиш, жиноят ва жазо, қозилик, васийлик, оила ва никоҳ, дафн маросими, Аллоҳ, Унинг сифатлари ва яратганларига ишониш, куфр сўзлар ва амаллар, дўзах, жаннат, шунингдек, намоз ўқиш,

¹ Сўфи Аллоҳёр. Маслак ул-муттақин. Копюр. «Навалкишвар», 1290 ҳ. 607-608-б.

рўза тутиш, закот бериш, ҳаж қилиш каби бошқа исломий-диний аҳкомларнинг йўл-йўриқлари, қонун ва фатволари ишлаб чиқилган. Бу фикр «Маслак ул-муттақин»га ҳам тегишли. Мадрасаларда махсус ўқитилган ушбу асарни толиби илмлар қисқача номлаб, «Маслак» деб атаганлар ва унга шарҳлар ҳамда махсус лугат китоблар тузилган. Бу асар туркий тилга ҳам таржима бўлиб, қўлёзма ҳолида тарқалган¹.

«Маслак ул-муттақин»нинг тошбосма ва қўлёзма нусхалари Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга кенг ёйилган. Биз ушбу рисоламизда фойдаланган «Маслак ул-муттақин» асари ҳам Ҳиндистоннинг Конпур шаҳри, «Навалкишвар» матбаасида 1290 ҳижрий (1873 мелодий) йили чоп этилган. Китобнинг охири саҳифасида шундай таъриф тавсифли сўзлар ёзилган: «... дар ин замони юмн иқтирон китоби тақво, нисоб дар масоили беназир бил яқин «Маслак ул-муттақин» муаллифуҳу олими ажалл, алломаи акмал, маъруфи жаҳон Сўфи Аллоҳёрхонки, дар масоили зарурии намоз, рўза ва закот ва фитр мўъжизист касирун нафъ, саҳли мумтанеъ...» (Бу хушбахтлик яқин замонда тақво китоби, ишончли, беназир масалаларнинг асли «Маслак ул-муттақин»ким, унинг муаллифи жаҳонга танилган, замон олими, энг комил аллома - Сўфи Аллоҳёрхон намоз, рўза, закот ва фитр каби зарурий масалаларни мухтасар, ниҳоятда фойдали, саҳли мумтанеъ² (услугубида) баён этган).

Муаллиф китобни ёзиш сабабларини асарида кўрсатиб ўтади. Камтарлик қилиб, асаримни улуғ олимлар учун эмас, балки, араб тилини билмайдиган баъзи авом кишилар учун ёздим, дейди:

¹ Бу асар ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

² Саҳли мумтанеъ - Саҳли мумтанеъ деб, мазмунан чуқур, ўқилиши эса содда, раво бўлган поэтик асарларга айтилади. Бироқ ҳар қандай ижодкор ҳам бу тарз асар ёзишнинг уддасидан чиқолмайди.

*Пора мардум шикастапо ҳастанг,
Толиби шаръи Мустафо ҳастанг.
Фаҳмашон баёни ҳақталаби,
На нашинаг ба нусхаи араби.*

(Муҳаммад алайҳиссалом шариатини талаб қилиб юрган бир гуруҳ оёғи синган (илмлари саёзроқ бўлган) кишилар борки, ҳақталабликни баён қилишда уларнинг фаҳмлари арабий нусхаларга етмайди).

*Шояд он халқро муфид бувад,
Гуфтани ман ба ин умид бувад.*

(Шояд ўшаларга фойдаси тегса, деган умидда бу асарни ёздим.)

*Шояд онро авом бархонанг,
Сурати эътиқоди хуш донанг¹.*

(Токи, авом кимсалар уни ўқиб, эътиқодларининг қандай суратда эканлигини билиб олсалар).

Асарнинг бошқа ерида шоир пирининг инояти билан жиддий илм ўқиганлиги, бу китобни ёзиб, унга «Маслак ул-муттақин» деб ном қўйганлигини ҳам айтиб ўтади:

*Қаряи назмро ниҳодам гом,
«Маслак ул-муттақин» ниҳодам ном².*

(Назм қишлоғига қадам қўйдим, (бу асарни) «Маслак ул-муттақин» деб атадим).

Бизнинг назаримизда, бу китобнинг ёзилиш сабабларидан яна бири Сўфи Аллоҳёр яшаган даврларга келиб Ислом динининг бир қадар сусайиши, натижада ахлоқсизликнинг кучайиши (бемеҳрлик, шаробхўрлик, зинокорлик, фаҳш, зулм ва зўравонликнинг кенг авж

¹ Маслак ул-муттақин. Мазкур асар. 28-б. Бундан кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинганлиги учун «мазкур асар» деб, саҳифасини кўрсатиш билан чекланамиз.

² Мазкур асар, 24-б.

олиши) бўлган. Бу тўғрида шоирнинг махсус таъкид-
лари борки, қуйидаги байт шулардан биридир:

*Эй гарифо, ки ангарин айём,
Рафта заъфи ачиб гар ислом¹.*

(Ҳай дариғки, бу айёмларда ислом дини ажиб заифлашди).

Демак, шундай шароитда дин, имон ва эътиқодга доир асар ёзишни Сўфи Аллоҳёр зарурат ва бурч деб билганлиги ҳам шубҳасиздир. Муаллифнинг эътирофи-га кўра, динни заифлаштирадиган гумроҳлар ва гуруҳлар ҳам бўлган: «... Ўзларига маҳлиё бўлган яна бир неча гумроҳлар пайдо бўлишди. Уларнинг номи «мубоҳийя» бўлиб, ўзларини сўфий кўрсатадилар. Улар ҳаром касбга майл қилиб, жоҳилларни ўзларига ром қиладилар... яна бир қанча паст андишали кишилар даққоқликлари туфайли ўзларини девона деб атайдилар, ўз феълларини мастона бажарадилар. Уларнинг ишлари ё Қуръонга хилоф, ё жину шайтон васвасасидандир»².

Хўш, бундай воқеа ва ҳолатларга баъзи шайхлик даъвосидаги зоҳидлар, дин ва шариат номидан ҳукм юритувчи олиму уламолар, дин равнақи учун курашишлари шарт бўлган амир ва ҳукмронлар бепарқ қараб туришганми? Улар нега Ислом истиқболи учун курашмаганлар? Бу саволларга мана бу мисралардаги танқидий фикрлар жавобдир:

*Ҳам гар ин балдахои мо дони,
Заъф рафтааст гари мусулмони.*

(Ҳам яна бу шаҳарларда мусулмончилик эшиги (яъни Ислом дини) заифлашди).

*Зоҳидоне, ки шайх номиганд,
Хештанро бузурги Ҳақ диганд.*

¹ Мазкур асар, 413-6.

² Мазкур асар, 18-19-бетлар (таржима).

(Шайх аталган зоҳидлар ўзларини Худонинг улуф бандаси деб ҳисоблайдилар).

*Суннати Мустафо гузоштаанг,
Рўи гул бар ҳудус доштаанг.*

(Мустафонинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) суннати-ни тарк қилиб, қалб юзини бидъат ишларига қаратдилар).

*Баъзи аз олимон чунон шудаанг,
Фитнаомўзи оламиён шудаанг.*

(Баъзи бир олимлар оламларга фитна солувчи бўлганлар).

*Қавли ўро писанг месозанг,
Моли мардум било ибо тозанг.*

(Одамлар уларнинг сўзини писанг этсалар-да, улар одамларнинг молини уялмасдан тортиб оладилар.)

*3-ин сабаб золимон галер шуданг,
Аз барои гирифт-гир шуданг.*

(Шу сабабдан золимлар жасур, улар «олҳа-ол»га мубтало бўлганлар.)

*Хамри чиркин, риболи дўн хўрданг,
Маййита бардоштанг, хун хўрданг.*

(Ифлос хамр (ароқ)ни ичиб, пасткашлик билан пора оладилар. Ердан ўлимтик топиб, қонини ичадилар).

*Ном карда ба лўлиён «бонў»,
Биншонанг бар сари зонў.*

(Лўли аёлларни «бону» атаб, тизларига олиб ўтирадилар).

*Бас, зиноро, ки ошкор кунанг,
Аз гуноҳи дигар чи ор кунанг?*

(Очиқчасига зино қилганларидан кейин бошқа гуноҳдан қандай ор қилсинлар?)

*Умароки, муравви чи динанг,
Худ онҳо кунангаи инанг.*

(Динга ривож берувчи амирларнинг ўзлари бу ишларни қиладилар).

*Хукмдорон дигар чунин бошанг,
Фуқаро чун ривочи дин созанг?¹*

(Хукмдорлар шундай бўлганларидан кейин фуқаро қандай қилиб динга ривож берсин?!)

Сўфи Аллоҳёр ижодининг моҳияти, тарғиб ва ташвиқоти шариатни ўрганиш, билиш, унга амал қилиб садоқат кўрсатишдан иборатдир. Шоир асарида кўтарилган ҳар бир ғояни шариат ҳукми, Қуръон ва ҳадис асосида шарҳлаб, тушунтириб беради. Сўфи Аллоҳёр дўстларининг илтимосига биноан «Мурод-ул-орифин» («Орифлар муроди») деган асарини ёзиб, тасаввуф тариқатини ёритишга бағишлаган. Олим ўз асарида нақшбандия сулуки ва махсус истилоҳлару босқичлар ҳақида баҳс юрилади. Мўъмин мусулмоннинг комиллик даражасидан ва тариқатидан қатъи назар зинҳор-базинҳор шариатга хилоф иш қилмаслиги керак, дейди:

*Шариат раҳбари ҳар ду чаҳон аст,
Ба он ҳар кас гумон созаг гум он аст².*

(Шариат икки дунёнинг раҳбаридир. Ким у ҳақда гумону бадбинликка борса, йўқ бўлиб кетгувчидир).

Ҳазрат Пайғамбаримизнинг кўрсатмаларини, суннатларини, амру фармонини бажариш, унга оғишмай амал қилиш икки дунё саодатига восил қилади. Бу ҳақда «Сабот-ул-ожизин»да ҳам ўқиймиз:

*Набининг амрига қилсанг итоат³,
Саодатгур, саодатгур, саодат .*

¹ Мазкур асар, 626-б.

² Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтига 3162-рақами остида сақланаётган китоб, 20-саҳ.

* Баъзи нусхаларда: «Анингдек ҳодига қилсанг итоат...» деб берилган.

³ Сабот-ул-ожизин, Тошкент, «Меҳнат», 1991 йил, 37-бет.

«Маслак ул-муттақин»да айтилганидек, аслида орифлар етишган ҳақиқат шариатни қўлда машғал қилиб эришган ҳақиқатдир:

*Орифонки, чу баҳр чўшиданг,
Ба ҳақиқат тамоm кўшиданг.
Он ҳақиқат, ҳақиқати шаръист,
Ҳарки бешаръ роҳ равад саръист¹.*

(Орифларни дарёдек тошиб эришган тўла ҳақиқатлари шаръий ҳақиқатдир. Кимки шариатсиз йўл юрса (шариатга риоя қилмаса) жиннидир (тутқаноқ касалига мубталодир).

Китобнинг 60 байтдан таркиб топган ҳамд қисми шундай сўзлар билан бошланади:

*Ҳамди беҳад, санои беаъдоғ,
Ба Худои, ки нури иймон доғ.*

(Иймон нурини берган Худога ҳадсиз ҳамд ва ададсиз санолар бўлсин).

*Гофирасту Раҳиму Раҳмон аст,
Пок аз айбу ширку нуқсон аст.*

((Гуноҳларни) кечирувчидир, Раҳим ва Раҳмондир. Айбдан, ширкдан, нуқсондан покдир).

Бу қисмда Аллоҳ таолонинг қудрати, зоти ва сифатлари таърифланиб, аксар Қуръонда зикр этилган Пайғамбарларнинг номлари тилга олиниб, улар билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар баён этилади ва айни пайтда яратувчининг беқиёс қудратига ишоралар қилинади. Масалан:

*Диг ақвоми Лутро дар кубҳ,
Забару зер кард дар як субҳ.*

((Аллоҳ) Лут пайғамбар қавмининг қабоҳат, ёмон ишлар қилганини кўриб, бир тонгда уларни остин-устун қилди).

¹ Мазкур асар, 19-бет.

² Мазкур асар, 2-бет.

*Ту чи сози ба мулки дунё фахр,
Шуг ба як сайҳа нест «Ҷобус-сахр».*

(Сен қандай дунё мулкига фахр қиласанки, (харсанг тошларни йўниб иморат қилган) Солиҳ алайҳиссалом қавмини бир қаттиқ овоз келиб ҳалок қилди).

*Оташеро, ки подшоҳи Ҷалил,
Карг як лаҳза бўстони Халил¹.*

(Шону шавкатлик подшоҳ (Аллоҳ) Иброҳим Халилulloҳни куйдиришга мўлжалланган оловни бир лаҳзада бўстонга айлантирди).

Муаллифнинг фалсафий мушоҳадалари, олам ва одам, ислом тарихига оид фикрлар, замон ва жамиятга муносабати ана шу «ҳамд» қисмида анча теран ифода-ланган. Аксар мисра ва байтлар мустақил, рамзий маъноларга эга бўлиб, уларни тушуниш учун анбиё ва авлиёлар қиссаларидан огоҳ бўлиш керак.

Аллоҳнинг қаҳридан қўрқиб, бепоён раҳматига умид боғлаган шоир Муҳаммад алайҳиссаломга уммат, чориёрларни дўст тутувчи, аҳли суннат ва жамоа тоифасидан эканлигига шукр қилади, инсон ва мусулмон бўлиб яратилганини мамнуният билан эслаб ўтади:

*Ба иноёти худ мусулмон карг,
Ҷинси дигар накарг инсон карг.*

(Ўз инояти билан бизни мусулмон қилди. Бошқа жинсдан эмас, инсон жинсидан қилди.)

*Дог моро ба лутфи хеш мақом,
Дар миёни вилояти ислом².*

(Ўз лутфи билан бизга ислом вилоятининг ичидан жой берди).

¹ Мазкур асар, 4-бет.

² Мазкур асар, 4-бет.

«Ҳамд»дан кейин Муҳаммад алайҳиссалом таърифларига бағишланган 15 байтли наът келади. Ундан кейин муножот, тавҳид ва Аллоҳ таолонинг сифати, Ҳақ таолонинг дийдорини кўриш, иймон келтириш, чорёрлар мадҳи, имомлик қилиш, хориқи одат ва унинг қисмлари, мусаннифнинг камчиликлари, ўз фарзандига насиҳати ва ўзининг ожизлиги баёни, мусулмончиликнинг беш шарти, намоздаги ўн икки иттифоқли фарз, мўъламининг баёни каби мавзулар атрофида мулоҳаза юритилади. Таҳорат китобидан бошлаб, таҳорат, таяммум, намоз, рўза, закот, қурбонлик, ов қилиш, қироат, саждаи саҳв, саждаи тиловат, ўликни ювиш, кафанлаш, шаҳидлик ҳукми, сув ва қудуқ ҳукми, ҳайзу нифос каби фикҳий масалалар алоҳида бобларга ажратилиб, ҳар бир масаланинг жузъий жиҳатлари ҳам инобатга олиниб, шарҳлаб, далиллаб берилади. Сарлавҳа ичидаги сарлавҳачалар бош ғояни чуқур англаш ва тушунишга хизмат қилади. Масалан, таҳорат китоби шундай бобларга бўлинган:

1. Таҳорат китоби ва унинг фарзлари;
2. Таҳоратнинг суннатлари;
3. Таҳоратнинг мустаҳаблари;
4. Таҳоратнинг наҳи ва макруҳлари;
5. Таҳоратни синдирувчи нарсалар.

Шунингдек, қазойи ҳожат ва унинг одоби, қазойи ҳожатнинг наҳи ва макруҳлари, тупроқ билан истинжо қилиш (тозаланиш), сув билан истинжо қилиш, оқар сув, қудуқ суви, ишлатилган сувлар ҳақидаги ҳукмлар, фатволар бевосита таҳорат илми билан боғлиқ бўлиб, таҳорат ҳақидаги билим ва тасаввуримизни янада бойитади.

Сўфи Аллоҳёр имоми Аъзам ва унинг мазҳабини улуғлаб, шу мазҳабга мансублигини таъкидлайди:

*Шукри дигар базоти Субҳони,
Дог моро тариқи Нуъмони.*

(Яна зоти пок Аллоҳга шукрки, бизга Нуъмон (Имом Аъзам) йўлини, мазҳабини берди).

*Мустафо гуфт гар шаби Меъроҷ:
«Яъни Нуъмон ба уммат аст сироч»¹.*

(Меърож кечаси Муҳаммад алайҳиссалом имоми Аъзамни «Умматимнинг чироғи», дедилар).

Имоми Аъзам (ҳанафий) мазҳабида бўлган шоир бирор шаръий масалани аввало ана шу мазҳаб доирасида ҳал қилади. Лекин баъзи хилофий ва баҳсли масалалар устидан ҳукм, фатво чиқаришдан олдин у имом Аъзам, имом Молик, имом Шофиъий, имом Абуюсуф ва бошқа уламолар фикрларини келтириб, фатво кимга ва қайси ҳукмга тегишли эканлигини уқтиради. Масалан, намознинг фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, муфсид, ҳаром, макруҳ ва мубоҳлари бор. Муаллиф ана шулар ҳақида фикр билдирганда мазкур имомларнинг қарашларини, баъзи фақиҳларнинг нуқтаи назарларини қиёслайди, гоҳо ҳаммаларининг қарашларида жон борлигини, айрим фатволар эҳтиёт юзасидан айтилганлигини таъкидлаб, хулосавий фатво ва ҳукмлар чиқаради. Айрим шаръий ҳукмларни баён этаётиб, ўрни-ўрни билан китобхонга насиҳат этиб, уни тавба қилишга, илм ўрганишга, шариат амрини эътиқод билан бажаришга, руҳоний пир топишга, дунёнинг фонийлигини англашга, хос кишилар ва мўъминларга яхшилик қилишга, ёмонлардан йироқ юришга даъват қилади.

Сўфи Аллоҳёрнинг эътироф этишича, фиқҳ илмида унга икки киши устозлик қилган: бири Хожа Мўъмин, бири Муҳаммад Ғазний. Шоир «Ман ҳар қанча авом ва хом бўлсам ҳам устозларим марди тамом», яъни комил инсонлар деб уларни улуғлайди ва уларга Аллоҳдан Жунайду Ғаззолийга насиб этган мартаба ва раҳматларни тилайди.

*Ё Илоҳи, ту лутф кун ҳолц,
Ҳар гуру чун Чунайду Ғаззолӣ².*

¹ Мазкур асар, 4-бет.

² Мазкур асар, 37-бет.

(Ё Илоҳим, шу айёмларда уларнинг ҳар иккисига Жунайду Ғаззолийларга кўрсатганингдек лутф айла).

«Маслак ул-муттақин»ни ўқир экансиз, унда бир қанча ислом оламидаги мўътабар китоб номларига дуч келасиз. Жумладан: «Ақоид», «Фусули имод», «Хулоса», «Қозихон», «Муҳит», «Захира», «Канз-ул ибод», «Шуруҳи ҳавоший», «Жалолий», «Мултақит», «Хизонаи қиннийя», «Жавоҳир», «Музмирот», «Шарҳи аврод», «Мишкоти шариф», «Абулмакорим», «Ҳидоя», «Жомий-ур румуз», «Шарҳи мухтасар», «Салоти Масъудий», «Фатовий», «Кофий», «Жомий-ул бисотин», «Жомий-ус сағир», «Тухфат-ул мулук», «Янобеъ», «Тотторхоний», «Заҳриддин», «Бўстон», «Танбеҳ-уз-золлин», «Ниҳоя», «Кифояи Шайбий», «Виқоя», «Шарҳи Баржандий», «Масбут», «Тарғиб-ус-салот», «Нисбот-ул-эҳтисоб», «Шамсиддин». Бу китоблардан муаллиф нақд, ривоят ва фикҳий масалаларнинг жавобини келтириб, даъволарини далиллайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, «Маслак ул-муттақин»да шариат аҳкомлари, ахлоқ нормалари ижтимоий-маърифий муносабатлар баён этилган бўлса-да, бу китоб, «Мухтасари виқоя» ва шарҳлари каби шариат аҳкомларини тўла-тўқис қамраб олмаган. Хусусан «Мухтасари виқоя»да келтирилган «никоҳ», «разоъ», «талоқ», «итоқ», «мукотаба», «аймон», «қисмат», «байъ», «шуфъа», «ҳиба», «ижора», «ория», «вадиъа», «ғасб», «раҳн», «кифола», «ҳавола», «вакола», «ширкат», «музораба», «музораъа», «иҳё-ул-мавот», «вақф», «кароҳият», «ашриба», «лақит ва луқата», «мафқуд», «қазо», «шаҳодат», «икрор», «даъво», «сулҳ», «ҳудуд», «сирқа», «жиҳод», «жиноят», «дият», «икроҳ», «ҳажр», «васоё», «хунассо» каби китоб масалаларининг таҳқиқи бунда учрамайди. Бироқ, бу китоблар билан боғлиқ айрим шаръий масалаларга ишора қилиб ўтилган жойлар ҳам йўқ эмас.

Исломий китобларда «Аввал-ул-илми маърифатуллоҳи ва охируҳу тафвиз-ул-умури илайҳи», яъни, «Ил-

мнинг боши Аллоҳни таниш ва охири барча амрларни Аллоҳ ихтиёрига топшириш», дейилади. Шунинг учун ҳам азалдан мактаб ва мадрасаларда тавҳид, ақойид, Аллоҳнинг зоти ва сифатларига доир илмлардан таълим бериб келинган. «Маслак ул-муттақин»да Аллоҳнинг саккиз субутий сифати: «ҳаёт», «илм», «қудрат», «басар», «самъ», «ирода», «калом», «таквин» ҳамда яна икки сифати: унинг якка ягоналиги, яратувчи ва ризқ берувчилиги ҳамда барча айбу нуқсонлардан пок ва муназзаҳлиги тушунтирилади. Инсон Аллоҳни яратган нарсалари, сунъи (санъати) ва қудратини кўриб таниши, унга таслимият билан иймон келтириши лозим. Кўп ўқиш, ортиқча фикру хаёл қилиш билан Аллоҳ зоти ва сифатининг моҳиятига етиб бўлмайди. Ғайб сирларини билиш фақат Тангрига хос нарса. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам таъкидлаганларидек, Аллоҳ зоти ҳақида китобларда айтилганидан ташқари чуқур фикрга бормаслик керак. Аксинча, инсон тўғри йўлдан чалғиши, ҳатто куфрга томон бориши мумкин...

*3-ин сабаб гуфт Мустафо эй марғ:
«Фикр бар зоти У набояд карғ».*

(Эй инсон, шу сабабдан ҳам Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг зоти ҳақида фикр қилмасликни буюрди).

*Фикр бояд, вале бақудратҳош,
Мустафо ҳарчи гуфт бар он бош¹.*

(Лекин Унинг қудратлари ҳақида тафаккур қилиш керак, Мустафо (ҳазрат пайғамбаримиз) нима деган бўлсалар, унга амал қилиш лозим).

Мусулмончилик шартларини бажарувчи кишида аввало мустаҳкам иймон-этиқод, сидқу ихлос бўлмоғи керак. Ҳар бир мўъмин-мусулмон етти нарсага - Аллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, илоҳий китобларга, пайғамбар-

¹ Мазкур асар, 8-бет.

ларга, қиёмат кунига, тақдирга, ўлгандан кейин қайта тирилишига ишонмоғи лозим. Китобда мазкур етти нарсага иймон келтиришнинг зарурлиги, ҳақ ва ростлиги алоҳида-алоҳида бобларда шарҳлаб ўтилади. Ҳар бир мўъминнинг комил эътиқод билан яшаб ўтмоғи Худодан тиланади.

*Ба ҳамин эътиқод зери лаҳад,¹
Ба гурусти бараг Худойи аҳад.*

(Якка ягона Парвардигор шу эътиқодимизни қабрга кирганда ҳам дуруст қилсин).

Асарда «иймон» тушунчаси шарҳланар экан, унинг «Атойи Худо» эканлиги, амал туфайли кам ё зиёд бўлиши, Худо ва унинг расулини тил ва дил билан тан олиши лозимлиги уқтирилади:

*Чист иймон? Ба гил алат-таҳқиҳ,²
Ба Худо ва расули у тасдиқ.*

(Иймон нима? Иймон ҳақиқатан қалб билан Худо ва унинг расулини тасдиқлашдир).

*Боз иқрор бар забон карган,
Қалбро муттафиқ бар он карган.*

(Яна тил билан иқрор қилиб, қалбни тил билан мувофиқлаштиришдир, яъни тил билан айтиб, дил билан тасдиқлашдир).

*Фарз-таҳрири нутқ яқбор аст,
Ҳаст суннат аз ончи тақрор аст.*

(Аллоҳ ва унинг расулини бир марта тил билан иқрор қилиш фарз, бир мартадан кейингилари суннатдир).

*Лек тасдиқи қалби мўъмин бас,³
Фарз бошаг мудом бар ҳама кас.*

(Лекин ҳар бир мўъмин кишининг (Аллоҳ ва унинг расулини) қалб билан доим тасдиқлаши фарздир).

¹ Мазкур асар, 27-бет.

² Мазкур асар, 11-бет.

³ Мазкур асар, 12-бет.

3669

Демак, юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Аллоҳ ва унинг расулига юракдан ишонмаса, уларнинг айтганларига қаттиқ амал қилмаса, қуруқ тил билан «мусулмонман» дейишнинг бу дунё ва охират учун ҳеч қандай фойдаси бўлмайди.

Ҳазрат Аҳмад Яссавий «Ишқсизларнинг ҳам жони йўқ, ҳам иймони» деса, вали шоир Бобораҳим Машраб «Дилда дардинг бўлмаса минг тоатинг бекордур», — дейди. Дард ва ишқ Сўфи Аллоҳёрнинг барча асарларини ичдан нурлантириб туради. Зеро, комил мусулмон бўлишнинг шартларидан бири амалий ибодатларни бажаришдан ташқари дин дарди билан, яшаш, Аллоҳу таборак ва таоло ишқида жонфидалиқ қилишдир:

*Дар гули ҳар ки гарду ғам нест,
Хару гов аст, ҳукми оғам нест.*

(Кимнинг қалбида дарду ғам бўлмаса, одам ҳукмида эмас, эшак ва молдир).

*Ҳарки, аз гарди ишқ беҳабар аст,
Уст хасм, арчи гухтару писар аст.*

(Ишқ дардидан беҳабар бўлган ҳар ким - агар у қиз ё ўғил фарзанд бўлса ҳам, душмандир).

Дарҳақиқат, Ҳаққа яқин бўлиш учун илм ва амалнинг ўзи кифоя эмас, ихлос ва муҳаббат ҳам бўлиши керак.

Шоир мусулмончиликдаги бешта асосий шартни бир-бир санаб, уларга алоҳида диққат қилади. Кейинги саҳифаларда ҳам бу шартларни муфассал баён этади:

*Шуд биное, ки бар мусулмонн,
Ба панҷ навъ аст то яқин донн.*

(Яхши билки, мусулмончилик биноси беш хил фарздан иборатдир).

*Гуфтани «ло илоҳа иллаллоҳ»,
Илми тавҳид ин бувад, эй шоҳ,*

(Биринчиси «ла илаҳа иллаллоҳ»ни, яъни «калимаи таййиба»ни айтиш. Эй шоҳ, тавҳид илми (Аллоҳнинг ягоналиги тан олиш) будир).

*Маънии ин калом дони боз,
Баъди тавҳид панҷ вақт намоз.*

(Бу сўз маъносини билиб, Аллоҳнинг ягоналигини тан олганингдан кейин беш вақт намоз ўқишдир.)

*Ағниёро закот баъд аз он,
Баъд аз он рўзаи моҳи рамазон.*

(Ундан кейин учинчиси бой кишилар учун закот беришдир. Закотдан кейин тўртинчиси улуғ рамазон ойида рўза тутишдир).

*Ҳаҷ яқбораст баъд аз савм,
Ҳар киро иститоат аст, эй қавм.*

(Эй қавм, ундан кейин бешинчиси кимнинг қудрати етса, бир марта ҳаж қилишдир).

*Ҳаст ин панҷ навъ фарзул айн,
Сурҳи руи банда гар кавнайн.*

(Бу беш хил фарз - фарзи аиндир. Икки дунёда инсон юзининг файзли ва ёруғ бўлиши улардандир).

*Кас накарда бафарзияш инкор,
Яке аз муъминон, магар куффор¹.*

(Кофирлардан ташқари, бу беш фарзни муъминлардан бирор киши ҳам инкор қилмайди).

Бидъат ва хурофот, ҳар хил бўлмагур ирим-сиримлар азалдан Ислом динига зид бўлиб, баъзилари ҳатто ширк ҳисобланган. «Маслак ул-муттақин»да ҳақиқий исломий таълимотдан келиб чиқиб, бидъат ва хурофот, сохта шайх ва сўфилар қораланади:

¹ Мазкур асар, 35-бет.

*Ҷоҳилонки, кунанг забҳ аммо,
Назди қабри машойиху шуҳадо.
Бар маризу ғайри инҳо гар,
Забҳ созанг, кардаанг хабар.*

(Хабар берганларки, жоҳиллар шаҳид ё машойихлар қабри ёнида касалга атаб ёки шунга ўхшаш нарсаларга деб бирор жонлиқ сўйсалар)

*Ҳарчугоҳи бувад лиғайриллоҳ,
Гарчи номи Худой гуфт онгоҳ.*

(Аллоҳдан бошқага аталган, Аллоҳ йўлига ният қилинмаган бу жонлиқни гарчи «Бисмиллоҳи аллоҳу акбар» деб сўйсалар ҳам)

*Якфуруна бизолика бинвишт,
Худ нигоҳ дор, аз афъоли зишт.*

(Бундай ишни қилганлар кофир, (жонлиқ эса ҳаром бўлади) деб ёзганлар (ҳукм қилганлар). Сен бундай ёмон феъдан (одатдан) ўзингни сақла).

Хориқи одат бўлган мўъжиза ва кароматдан ташқари сеҳр, жоду, фолбинлик каби шайтоний амаллар мазаммат қилинади. Оят-ҳадис, шариат йўлидан юришини каромат, валиликнинг асоси деб билади:

*Марди бешаръ агар парад ба ҳаво,
Хураг оташ, вагар равад гарё.*

(Шариатга амал қилмайдиган одам ҳавога учса, оловни ютса, дарёда сузиб кетса)

*Феъли ўро каромат ар донд,
Зан талоқию номусулмонд¹.*

(Агар шундай кишининг феълани каромат ҳисобланган, хотинталоқ ва номусулмонсан).

¹ Мазкур асар, 18-бет.

Шоир «Сабот-ул-ожизин»да ҳам каромати авлиё-ни батафсил баён этиб, «Валийларга Худодин иноят» бўлган кароматни шариатга амал қилишнинг маҳсули сифатида талқин қилади:

*Эрур барҳақ каромат авлиёдин,
Иноятдур валийларга Худодин.
Каромат хориқи оғат эрур исм,
Бўлубдур хориқи оғат неча қисм.
Набийдин хориқи оғатни таъйин,
Дедилар мўъжиза, э толиби дин.
Нубувватдин бурунни дерлар ирҳос,
Буни билсанг керакдур айюҳаннос.
Агар солиҳ кишидин бўлса ҳар гоҳ,
Кароматдин бўлур бешакку ашбоҳ.
Кўрунса бир авом мўъмин ишидин,
Маунатдур ўшал айғон кишидин.
Агар кўрсатса мундоғ кофир инсон,
Ул истидрож эрур монанди Шайтон¹.*

ёки:

*Шариат ҳукмин этмай истиқомат,
Таажжуб ишлари бўлмас каромат².*

Мутасаввиф шоир Азим Хожа эшон ҳикматларининг бирида валилик хусусиятини шундай таърифлайди:

*Вали улдур, шариатсиз иш қилолмас,
Қилур бўлса зоҳир - ботин нуқсон бўлур.*

«Маслак ул-муттақин»да эса валига хос бўлган феъл-атвор ва хусусиятлар анча мукамал ифодаланади:

*Вали он аст бешаку ашбоҳ,
Бошад он шахс орифун биллоҳ.*

(Шак-шубҳасиз вали деб шундай кишига айтиладики, у орифи биллоҳ бўлса.)

¹ Сабот-ул-ожизин. 20-бет.

² Юқоридаги асар, 18-бет.

*Доимо бошаг он мутиги умӯр,
Аз маосии ғайри марзо гур.*

(У доимо (Худо ва пайғамбар) фармонига итоаткор бўлиб, гуноҳу маъсиятлардан йироқ бўлса)

*Ҳам кунаг и чтиноб аз шубҳат,
Аз фуру рафти лаззоти шаҳват,*

(Шубҳалик нарсалардан ўзини тийса, шаҳватга тўла берилиб кетувчи бўлмаса)

*Яъни он марди гин зи аслу фаръ,
Нараваг нуқтае берун аз шаръ .*

(Яъни ундай диндор киши шариятнинг ҳар қандай катта ва кичик буйруғидан бир нуқта ҳам четга чиқмаса).

*Боз якчанг аҳли бидъатҳо,
Шуда машҳур гар замонаи мо.*

(Бизнинг замонамизда яна бир қанча бидъат аҳли машҳур бўлган).

*Хештанро шуюх меноманг,
Аз барои тамаъ на ороманг.*

(Улар ўзларини шайх атаб, тамаъ илинжида елиб югурадилар.)

*Занаконро ба ҳалқа андозанг,
Наю танбуру чанг бинвозанг.*

(Най, танбур, чанг чалиб, аёллар билан давра қуриб ўтирадилар.)

*Зикрашон рақси пойкуби бас,
Фикри онҳо ниёзу назри кас .*

(Уларнинг зикри оёғни қимирлатиб, рақсга тушишдан иборатдир. Фикрлари эса одамлар берадиган назру ниёздадур).

¹ Маслак ул-муттақин. 18-бет.

² Мазкур асар, 20-бет.

Сўфи Аллоҳёр бошқа асарларида ҳам назру ниёз ва садақа эвазига яшайдиган мулла-эшонларни танқид қилади. Ўзларига ҳар хил ном қўйиб олган бидъат ва хурофотчи гуруҳларнинг кирдикорларини қоралайди. Уларнинг амаллари шариатдан ташқари эканлигини шаръий далиллар билан кўрсатиб беради.

Тарихдан маълумки, Сўфи Аллоҳёр яшаган даврда ҳам садақа ва назру ниёз ҳисобига кун кўриб яшайдиган тиланчилар, танбал дарвишлар, қаландарлар мавжуд эди. Ҳатто яқин йилларга қадар ҳам ўзини қаландар атаб юрган кишилар якка ва ёки гуруҳ бўлиб, қаландарона ғазаллар ўқиб, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб юрадилар. Садақахўрлик, текинхўрлик уларга бир одатий ҳол, заруратга айланган эди. Мазкур тоифаларга зид ўлароқ ҳақиқий, мажзуб қаландарлар тушган назру ниёз ва садақаларни Ҳақ йўлига инъом ва эҳсон қилиб юборар эдилар. Шунинг учун ҳам сохта ва Ҳақ ошиғи бўлган ҳақиқий қаландарларни бир-биридан ажратиш, улар ўртасидаги тафовутни кескин фарқлаш лозим.

Ўзбек адабиётида сохта шайх ва беамал қаландарлар аёвсиз танқид қилиб келинган. Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб»да ўзига «қаландар» деб от қўйиб олган кишиларни дев ва шайтонга ўхшатади, қилаётган ишлари ва кирдикорларини нафрат билан тилга олади. «Насойимул муҳаббат» асарида эса мажзуб ва қаландарлик тариқини ихтиёр этган бир қанча валиларни ҳурмат билан эслаб ўтади.

Тариқат пирлари, ҳақиқий муршиди комиллар ҳазрат пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи васаллам йўлининг давомчилари, маънавий ворисларидир. Шайх бўлиш, сажжоданишинлик даъво билан, ҳавас билан қўлга киритиладиган нарса эмас. У Аллоҳ томонидан бериладиган бир фазл, даража, сулукнинг олий мартабаси бўлиб, пир, яъни бир руҳоний раҳбар — шайх воситасида тай-

инланадиган маънавий мақомдир. Аммо масъулияти ҳам ниҳоятда оғир бўлган вазифа. Сўфи Аллоҳёр «Маслак ул-муттақин»да бу жиҳатга ҳам ишора қилиб ўтган:

*Шайх буган на кори осон аст,
Балки мушкул, зи кандани чон аст.*

(Шайх бўлмоқ осон иш эмас, балки жон беришдан ҳам мушкилроқ ишдир).

*Осмон осие шаваб бар сар,
Аз сулуки шуух осонтар.*

(Осмон бошга тегирмон тоши бўлиб айлангандан кўра ҳам, шайхлик иши қийинроқ, машаққатлироқдир).

Чунки аввало шайхнинг ўзи шариат ва тариқатда комил, муридларнинг маънавий тарбиясини ўз уҳдасига олиш лаёқатига эга бўлиши керак.

Мутасаввиф шоир ўзининг шеърларида бидъатга қўл урадиган гуруҳлардан аввало жамият азият чекиши, халқ ўртасида фитна ва фисқу фасод кўпайиб кетишидан ташвишланган. Сўфи Аллоҳёр Аҳмад Яссавий каби «Худонинг дўсти» бўлган валилар номини сотиб, халқни фитна ва залолатга бошлайдиган жамоаларни «Малъуни Худо» деб атайди:

*«... Инонсун деб тақи бир неча беақл,
Қилурлар Хожа Аҳмаддин муну нақл.
Худонинг дўсти бўлса Хожа Аҳмад,
Қилурму ҳеч мунингдек бидъати бағ?
Шариатда эди ул офтобе,
Қолибдур бизга ул эрдин китобе.
Ўшал султон битибдур балки анда,
Чиқар мундоқ фариқ охир замонда.
Анингдек фирқа малъуни Худодур,
Аларнинг феъли суннатдин жудодур.*

Фолбинлар, сеҳргарлар ҳам бидъат ва куфрни юзага келтирувчилардир. Келажақдан, тақдирдан башорат

беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Фақат Тангрининг инояти билангина хос бандалар ғайб сирларидан озроқ воқиф бўлишлари мумкин. Илми ғайб «Худонинг хос-саси» эканлиги, валини «ғайбдон» дейиш «кўп ёмон»-лигини, фолбин сўзига ишонишнинг куфрлиги «Сабот-ул-ожизин»да ҳам айтилган:

*Яқин бил ғайб ишигин фолбинлар,
Хабар берса агар ё аҳли жинлар.
Киши чин деса ул ботил сўзини,
Бўлуб кофир қаро қилгай юзини .*

Сўфи Аллоҳёр ўз асарларида Аллоҳнинг раҳматига умид боғлаш билан бирга унинг қаҳридан доимо қўрқиб туриш кераклигини қайта-қайта таъкидлайди. Илм ва амалга интилишни, Шайтони лаъин васвасасидан паноҳ тилашни, тоат-ибодат ва сулукка фахрланмасликни таъкидлайди. Масалан:

*Ҳам ба чазби сулуки хеш маноз,
Ҳам амал, илмро мувофиқ соз.*

(Яна ўз жазба ва сулукинг билан фахрланма, илм ва амални шариатга мувофиқ қил).

*Ҳам ба кашфи кас эътиборе нест,
Аҳли Ҳақро ба кашф коре нест.*

(Яна киши кашфига эътибор берма, аҳли Ҳақнинг кашф билан ишлари бўлмайти).

*Балки гар кашф бим бисёраст,
Чунки гар пушт деви ғаддораст...²*

(Балки, кашфда қўрқув кўпдир, чунки унинг орқасида ғаддор Шайтон туради...).

Ёки:

¹ Сабот-ул-ожизин. 21-бет

² Маслак ул-мугтақин, 21-бет.

*Ғараз улким, амалга бўлма мағрур,
Амал қилғил, амалга банда маъмур*¹.

Ёки:

*Агар олам ёруса сан сабабдин,
Қуёшдек, титра доим хавфи Рабдин*².

Сўфи Аллоҳёр ижоди билан қизиққан кишилар «Маслак ул-муттақин»ни ўқиб, унинг дил дардлари, айниқса, руҳий таржимаи ҳолидан ҳам воқиф бўладилар. «Муножот», «Мусанниф камчиликларнинг баёни», «Фарзанди аржумандга насиҳат» каби боблар шу жиҳатдан эътиборли. Шунингдек, бу бобларда муаллиф Аллоҳга тавба-тазарру қилади, гуноҳларини авф этишини сўрайди. Ўзининг ожиз банда эканлигини изҳор этади, оқибат инсон ўзини яратган Тангри олдида яхши-ёмон ишларидан ҳисоб беришини эслатади. Мўъминни ҳақ ва эзгулик томонга ундайди. Сўфи Аллоҳёрнинг ўзига ё ўғлига хитоб қилиб битган ибратли байтлари аслида бутун мўъмин-мусулмонларга тааллуқлидир.

Сўфи Аллоҳёр саййид, хожалардан эмаслигини асарнинг бир неча жойида таъкидлаш билан бирга, камтарлик қилиб, ўзини ўзи қойийди, «ёмон инсонларданман», — дейди:

*Саййиду хо ча нестӣ, эй турк,
Балки ҳасти миёни туркон гург*³.

(Эй турк (ўзбек), сен саййиду хожа эмассан, балки турклар орасидаги бўрисан).

Ёки:

*Пас, ту эй туркзоги кутаҳ ақл,
Ончи суннат, адаб, ки карди нақл.*

(Сен, эй турк авлодидан бўлган ақли калта, суннат ва адаб булган нарсалар ҳақида нақл қилдинг).

¹ Сабот-ул-ожизия, 64-бет.

² Мазкур асар, 22-бет.

³ Маслак ул-муттақин, 35-бет.

Бошқа бир жойда «хожа, мир, шайхзода эмасман», деса, яна бир ўринда «манки ҳастам зи ўзбакон», яъни «менки ўзбекларданман...», — дейди. У беҳуда ўтган умридан, амалдор бўлган кунларидан, ёмон қилмишларидан пушаймон бўлади, ачиниб, ҳатто нафрат билан у кунларни эслайди:

*Аввалиҳои ман агар пурсӣ,
Зӯғ аз ман гурезию тарсӣ.*

(Агар менинг олдинги ҳаётимдан сўрасанг, шу заҳоти мендан қўрқиб қочасан).

*Хизмати шоҳи аср мекаргам,
Нони заққуму заҳр мехўргам.*

(Мен замон шоҳининг хизматини қилардим, заҳар-заққумлик нон ердим).

*Яъни ноне, ки аз тамаъ пайдост,
Гўям аз ин зиёда низ равост.*

(Яъни, ейдиган ноним тамаъдан топиларди. Бу ҳақда бундан ортиқ гапирсам ҳам арзийди).

*Дар нишастан таассуб оин буг,
Ғам болову фикр поин буг.*

(Ўтиришларда (мажлисларда) таассуб ҳукмрон эди. Ғам юқорида, фикр эса пастда эди).

*Вақти хўрган таом мешуг заҳр,
Яъни ў фавқи мост гар ин шаҳр.*

(Таом ейдиган пайт у заҳарга айланарди. Чунки у (султон) бу шаҳарда бизнинг устимиздан ҳукмрон эди).

*Бархе ҳар яке шуга хангон,
Гуфта мешуг «хуш омадӣ» чангон¹.*

(Бир гуруҳ кишиларнинг ҳар бирига «хуш келибсиз» деб илтифотлар қилинади, улар шод-хандон эдилар).

¹ Мазкур асар, 29-бет.

Сўфи Аллоҳёр гумроҳликда, амалдор бўлиб юрган кезлари ногаҳон Аллоҳ инояти билан бахти чошиб, дарвешларга қўшилиб қолади. Ҳақиқат йўлига киргач, қалбини зулмат тарк этиб, илоҳий нур чулғайди. Шоир Аллоҳнинг бу тавфиқ ва ҳидоятини мамнуният билан қайд этади:

*Ногаҳон аз инояти Борп,
Дог султони бахти ман ёрп.*

(Ногаҳон Аллоҳ инояти билан бахтим султони ёр бўлди).

*Токи гаштам муҳибби дарвешон,
Ёфтам суҳбати хуши эшон.*

(Дарвишларга муҳаббатим тушиб, уларнинг хуш суҳбатини топдим).

Эшони Сўфини тариқатга йўллаган, унинг сир-асрори, роҳу равишидан таълим берган пири муршиди Хожа Наврўздир. Бу нуфузли шахс вали ва тақводор сифатида таърифланади:

*Номии поки муборакаш Наврўз,
Пой то сар тамом гарду сўз.*

(Унинг муборак, пок исми Наврўз бўлиб, бошдан оёғини дарду ишқ чулғаб олган.)

*Васфи эшон агар баён созам,¹
Нест мумкин баёни он созам.*

(Унинг васфини (сифатини) баён қилмоқчи бўлсам, бу имконсиз ишдир).

Шоир руҳиятига, ботиний дунёсига таъсир қилган пирини васф қилиб, унга қўл берганини, олдин ёмон, гумроҳ одам бўлса ҳам, кейин пиридан марҳаматлар кўрганини, ҳатто назм айтишда ҳам пирлар иноят кўрғизишганини мана бундай ифодалайди:

¹ Мазкур асар, 30-бет.

*Гар набошад инояти пирон,
Пой то фарқи ман бувад исён.*

(Агар пирлардан иноят бўлмаганда эди, менинг бошдан оёғим гуноҳга ботарди.)

*Варна ман кию назм гуфтан кӣ,
Гавҳари имтисол суфтан кӣ?¹*

((Ва агар пирлардан иноят бўлмаганда эди) мен киму назм айтмоқ ким? Ким итоаткорлик гавҳарини суфталарди?).

Шуни ҳам айтиш керакки, Сўфи Аллоҳёр нақшбандия сулукига мансуб бўлган. У бу ҳақда асарнинг ҳамда қисмидаёқ айтиб ўтган:

*Лутфи хурро ба раъс шомил карг,
Ҳамраҳи комилу мукамил карг.*

(Аллоҳ ўз лутфини бошимизга ёғдирди. Бизни комил ва мукамил пирга ҳамроҳ қилди).

*Дог моро тариқи марзийя,⁵
Яъни маслуки нақшбандийя .*

(Бизга тариқи марзийя, яъни нақшбандия сулукини ато этди).

Қуйидаги байтларга диққат қилсангиз, шоир яратган Эгам даргоҳига сидқидилдан тавба-тазарру қилиб, ундан маърифат ва ҳақиқат йўлини кўрсатишни ёлвориб сўрайди:

*Гарчи ҳастам ба чурми исён фарқ,
Ту макун рўзи фарқ-мучиби ҳарқ.*

(Гарчи мен журму исёнга фарқ бўлсам ҳам, Сен қиёмат куни оловга (дўзахга) сазовор қилма).

*Ё Илоҳи, кушой гийдаи мо,
Бадурусти ту бар ақидаи мо.*

¹ Мазкур асар, 30-бет.

² Мазкур асар, 5-бет.

(Ё Илоҳим, бизнинг эътиқодларимизни дуруст қилиб, кўзларимизни оч).

*Аҳли Ҳақро ба лутф ёрам кун,
Лавҳи таҳқиқ гар канорам кун.*

(Лутфинг билан Ҳақ кишиларини менга ёр қил, ҳақиқат лавҳини қучоғимга бер).

*Пайрави ҳазрати набӣ гардон,
Дӯр кун аз сулуки номаргон.*

(Ҳазрати Пайғамбарга пайрав қилиб, номардлар йўлидан йироқ қил).

*Дили мо кун зи аҳли бидъат сарг,
Гарчи даъвии қутбӣ, ғавсӣ карг.*

(Бидъат аҳли, қутб ва ғавслик даъвосини қилса ҳам, бизнинг юрагимизни улардан совет).

*Косаамро манеҳ шароби тамаъ,
Заҳр кун гар даҳонам оби тамаъ.*

(Косамга тамаъ шаробидан қуйма, оғзимга тамаъ сувини заҳар қил).

*Аз таоми қаноатам кун сер,
Раъси миннат, ба пои ҳиммат зер.*

(Қаноат таомидан мени тўйдир, миннат бошини ҳиммат оёғи остида янч).

*Дӯр гардон зи хуДФурушӣ, кибр,
Баманоҳӣ қариб макун як шибр.*

(Ўзни кўз-кўз қилишдан, кибрдан йироқ тут. Манъ этилган нарсаларга бизни бир қарич ҳам яқинлаштирма).

*Аз умури шариати акрам,
Кори моро макун зиёдаву кам.*

(Расулуллоҳ шариатларининг буйруқларидан бизнинг ишимизни зиёдаю кам қилма).

*Қоматамро либоси тақво неҳ,
Ҳарчи талбам аз онам ақво неҳ¹.*

(Қоматимга тақво либосини бер, ҳар нарасаки, Сендан талаб қилсам, ундан ортиқроқ қилиб бер).

Шарқ адабиётида шоирларнинг ўз фарзандига асар бағишлаши ёки бирор асарида фарзандига насиҳатлар қистириб ўтиши анъана тусини олиб келган. «Маслак меҳрибон, диёнатли фақиҳ отанинг аччиқ-чучугини тотган, ҳатларини тўлқинланиб ўқиймиз. Ота ўз ўғлига қилган насидунёнинг бахтиёрлигини тилаб, нима қилса у дунёю бу бошлайди. Жумладан, шоир ўғлига бундай панд-насиҳатлар айтади:

*Гар ту панди пагар ба чон гирп.
Ҳалқаш боби осмон гирп.*

(Эй ўғлим, агар сен отанг пандини олсанг, осмон эшигининг ҳалқасини қўлингга оласан).

*Мақсадатро Худо кунаг ҳосил,
Би иноёти худ кунаг восил.*

(Худо мақсадингни ҳосил қилиб, ўз иноятига етказди).

*Пагарат шуд ба нокаси шоъ,
Ту макун умри хешро зоъ.*

(Отанг нокаслик билан машҳур бўлди. Сен ўз умрингни зоъ қилма).

*Пагарат бигзаронг умр ба чаҳ,
Ту макун зинҳор пешаи саҳ.*

(Отанг умрини жоҳилликда ўтказди. Сен эса енгил-елпи яшаш ва ишлашга ўрганма).

*Ман бу дунёи дун шудам хурсанг,
Ту сарбанги хешро барбанг.*

¹ Мазкур асар, 7-бет.

(Мен пасткаш дунёга мағрур бўлдим. Сен (ундан юз ўгириш учун) пешонабандингни маҳкам боғлаб ол).

*Мисли ман оми, нотамом мабош,
Пухтаги пеш гуру хом мабош.*

(Менга ўхшаб авому ноқис бўлма, пухталиқ қилгину хом бўлма).

*Хизмати аҳли шаръро шав ёр,
Зинҳор, эй азизи ман, зинҳор,*

(Эй азиз фарзандим, жонинг билан шариат аҳлининг хизматини қилгин).

*Аз Худованди хеш агар тарси,
Соз аз ҳаргу илми у гарси.*

(Агар ўз Худойингдан қўрқсанг, унинг ҳар иккала дарсидан илм ўқи).

*Илмо дастгир, омил бош,
Доимо тарскори комил бош.*

(Илмни эгалла, унга амал қил, ҳамиша Худодан қўрқувчи комил бўл).

*Ту натарси, Худои тарсонаг,
Банда тарсонгани Ў накӯ донаг.*

(Сен қўрқмасанг, Худо қўрқитади, банда унинг қўрқитишини яхши билсин.)

*Суҳбати аҳли сидқ амри Худост,
Ҳарки, аз амр сар битофт, чудост.*

(Сидқ аҳли билан суҳбат қуриш Худонинг амридир, амрдан бош тортган бошидан жудо бўлади).

*Дур бундан зи суҳбати фассоқ,
Ҳаст воҷиб баамри Холиқи тоқ.*

(Ягона Холиқнинг амри билан фосиқлар суҳбатидан йироқ бўлиш вожибдир.)

*Аспи ҳиммат бақуи фақр битоз,
То тавонӣ ту нумуродӣ соз¹.*

(Ҳиммат отини фақр кўчасига чоптир, кучинг етганича (Аллоҳга) ҳожатмандлик қилавер).

Ёки:

*Хоби ғабруи сахт бо гули гарм,
Беҳтар аз сағ ҳазор бистари нарм.*

(Муҳаббатли қалб билан қаттиқ ерда ётиш юз минг юмшоқ кўрпада ётгандан кўра яхшироқдир).

*Хўшачини кунӣ ба огоҳи,
Беҳтар аз сағ амирию шоҳи.*

(Огоҳлик, хушёрлик билан бошоқ териш (меҳнат ва деҳқончилик қилиш) юз амирлик ва шоҳликдан яхшироқдир).

*Ҷомаи кўҳна ба сағ гарбеҳ,
Аз ҳазорон либоси ба зар беҳ.*

(Юз ямоқлик эски тўн минглаб зарли либослардан яхши).

*Каф бирён чав ба ҳар ҳафта,
Беҳтар аз шаққари риё рафта².*

(Ҳафтада бир ҳовуч қовурилган арпа (насибинг бўлса), миннатлик шаққардан яхшироқдир).

Ёки:

*Ба чавонию худ машав ғарра,
Аз шариат бурун машам зарра³.*

(Ўз ёшлигинг билан мағрурланма, шариатдан зарра ҳам ташқари чиқма).

Ёки:

*Хештанро ба фисқ ёр макун,
Ҷони ширин, сазои нор макун⁴.*

¹ Мазкур асар, 31-бет.

² Мазкур асар, 32-бет.

³ Мазкур асар, 33-бет.

⁴ Мазкур саҳифа.

(Ўзингни гуноҳга яқинлаштириб, ширин жонингни дўзахга дучор қилма).

Шоирнинг ўғлига насиҳатларидан яна бири ҳалол меҳнат қилиб, ризқ топиш, бола-чақани пешона тери билан боқишга даъват қилишдир.

*Анбиёки гузаштаанг фаҳасб,
Ҳама буганг фоили як касб.*

(Ўтган пайгамбарларнинг ҳаммалари кифоя қилувчи бирор касб билан шуғулланганлар.)

*Бандагонеки, Ҳақ шинохтаанг,
Ҳаргиз аз кас тамаъ насохтаанг.*

(Ҳақни таниган бандалар асло бировдан тамаъ қилмаганлар).

Шоир ўғлини мансабпараст, молпараст қариндошларига ўхшамасликка чақиради:

*Ақрабоятки, соҳиби қасранг,
Ҳама гар хизмати шоҳи асранг.*

(Қариндошларинг қасрларга эга, уларнинг ҳаммалари аср шоҳининг хизматини қиладилар.)

*Амакат гурги тез гандонаст,
Назди мардум - шағоли хандонаст.*

(Одамлар кўзига хандон шоқолга ўхшаб кўринган амакинг ўткир тишли бўридир.)

*Доимо фикри у ба моли кас аст,
Моли мардум ба у на дастрас аст¹.*

(Унинг фикри доимо одамлар молини олиш, талаш. Одамлар моли эса унинг кўлига тегавермайди).

Афтидан, Сўфи Аллоҳёрнинг ака-ука, қариндош-уруғлари мансабдор, баъзилари молпараст ва зolim бўлишган. Сўфи Аллоҳёр мансабдан кечиб, дарвешликни, илмни

¹ Мазкур асар, 31-бет.

ихтиёр этгандан кейин қариндошлари унга паст назар билан қараганлар, шоир эса уларга нафрат билан қараган. Қуйидаги байтлар фикримизга далил бўлади:

*Ҳар яке ачдаҳои одам ранг,
Пагарат наздашон чу мӯри ланг.*

(Уларнинг ҳар бири одам рангли аждаҳодирлар. Отанг улар олдида оқсоқ чумоли кабидир.)

*Чун намесога ачдаҳои зӯр,
Ору нанг аз бародари чун мӯр¹.*

(Зӯр аждаҳо чумолидек биродаридан қандай ор қилмасин?).

Мансабдор бўлган давридан, халққа қилган зулму ситамларидан қаттиқ пушаймон бўлган Сўфи Аллоҳёр ўғлининг мансабдор бўлишини истамайди. Қариндошлари ўғлига бирор мансаб таклиф қилиши мумкинлигидан уни огоҳ этади:

*Шояг онҳо туро ба худ хонанг,
Мансабиरो ба гарганат монанг.*

(Улар сени ёнларига чақириб, бирор мансабни бўйнингга илишлари мумкин.)

*Ту ҳам - эй нури чашми дилрешон,
Ор фармо, зи мансаби эшон.*

(Сен ҳам, эй кўнгли мажруҳларнинг кўз нури, уларнинг мансабидан ор эт).

Шоир ўғлининг мансабдор эмас, илму маърифатли, дину диёнатли, ахлоқ-одобли, тақволи яхши кишилар билан суҳбатдош бўлишини хоҳлайди. Агар мансабга ҳирс қўйиб кетса, ҳатто ундан безор эканлигини айтади:

*Гар ту бо мансабе саре орї,
Талаб аз ман, ту-хатти безорї².*

¹ Мазкур асар, 32-бет.

² Мазкур саҳифа.

(Агар сен бирор мансабга бўйин қўйиб кетсанг, мендан безорлик хатини талаб қил).

Хуллас, шоир бу бобда ўғлига яна ширин сўзли ва қаноатли бўлишни, кўп кулиб қалбни ўлдирмасликни, дард ва ишқдан ўртанишни, юрагида дарди йўқ кимсадан узоқ юришни, қиёматни ўйлашни эслатади. Фарзандига шундай насиҳатлар қилиб бу бобни тугатади:

*Худ ниғаҳдор зи афъоли зишт,
Рӯзи маҳшар кунад сазои беҳишт¹.*

(Ёмон феълу атвордан ўзингни сақла, қиёмат куни (сени Аллоҳ) беҳиштга сазовор қилади).

Муаллиф фақат алоҳида бобларда эмас, балки бирор шаръий аҳком хусусида баҳс этаётиб ҳам, унинг орасида ибратомуз байтларни қистириб ўтади. Масалан, намозни фосид (бекор) қилувчи амалларни бир-бир санаб, шунинг орасида баъзи хайрли иш, гуноҳ ва тавба қилиш кабилар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган:

*Дар «Салот» и фақиҳ Масъуд аст,
Аз бузругон, ки нақд фармуд аст.*

(Фақиҳ Масъуд «Салоти Масъудий» китобида улут кишиларнинг шундай нақлини келтиради:)

*Одамизод гар гуноҳ шавад,
Нуқтае аз дилаш сиёҳ шавад.*

(«Одамизод гуноҳ қилса, қалбининг бир нуқтаси қораяди).

*Накунад тавбае, кунад дигар,
Он сиёҳи шавад зиёдатар.*

(Агар тавба қилмай яна гуноҳ қилса, ўша қоралик янада ортади).

*Банга то баргуноҳ баргардаг,
Он сиёҳи зиёдатар гардаг.*

¹ Мазкур асар, 33-бет.

(Банда гуноҳ йўлига юраверар экан, ўша қоралик янада ортиб бораверади).

*Рафта-рафта дилаш сиёҳ шавад,
Амали хайри у табоҳ шавад.*

(Бора-бора бутун қалби қораяди, унинг яхши амалари ботил бўлади).

*Дилки, гардаг сиёҳ дар инчо,
Рўй гардаг сиёҳ дар ухро¹.*

(Қалбки, бу дунёда қорайдими, у дунёда, албатта, юз қораяди»).

«Маслак ул-муттақин»да инсон маънавияти, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, тоза-покиза бўлиб юриш Ислом ақидалари билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Тирноқ олиш, соқол-мўйлов, ҳаром тукларни қириш, саломлашиш, ювиниш, акса уриш, хуш муомалалик, хатна қилиш, бемордан ҳол сўраш, ҳожатхонада ўзини тутишнинг одоби ва расм-русумлари изчил баён қилинади. Биз уларга батафсилроқ тўхташ имконига эга эмасмиз. Зеро, ҳар бир мавзу ҳақида узоқ гапириш мумкин. Масалан, биргина «Мўъминларнинг мулоқот қилиш баёни» 180 байтга яқинроқ бўлиб, унда, масалан, қуйидаги мавзулар ҳақида фикр билдирилган: Мўъминларнинг қай тартибда саломлашиши; бир-бирининг уйига қандай дохил бўлиши; уйда ҳеч ким бўлмаса, ўзини қандай тутиши; яҳудий ва насроний урф-одатига тақлид қилмаслик; катта ва кичик ёшдагиларнинг мулоқоти, саломлашиши; бир киши ва жамоа мулоқоти; кофирлар, яҳудий ва насронийлар билан мулоқот қилиш; Қуръон ўқиладиганда, азон ва такбир айтиладиганда, умуман, ибодат чоғидаги мулоқот ва бу пайтдаги салом-аликнинг жоиз ёки ножоизлиги; салом-алик пайтида акса уриш, аксага жавоб бериш; мулоқот пайтида бўса олиш равоми ё йўқ,

¹ Мазкур асар, 386-387-бетлар.

аёллар ва қари аёллар билан саломлашиш одоби ва ҳоказо. Шоир айрим жойларда фикр ва қарашларини оят-ҳадис ва ибратли ривоятлар билан далиллаб, қувватлайди. Саломлашиш, покиза юриш, хуш хулқли ва шунга ўхшаш савобли амалларнинг хусусияти ва моҳияти ҳақида лирик чекинишлар қилади.

Сўфи Аллоҳёр «Маслак ул-муттақин» охирида ҳаж ҳақида китоб ёзмаганлигининг сабабини айтиб ўтади. Унинг таъкидлашича, аввало ҳаж қилиб кейин ҳаж ҳақида китоб битишни ният қилган. Аммо баъзи сабабларга кўра ҳаж қилолмаганини афсусланиб ёзади.

Демак, Сўфи Аллоҳёрнинг ўз эътирофига кўра «Маслак ул-муттақин»ни ёзиб тугатгунга қадар ҳажни адо этмаган ва шу боис ҳам асарида бу хусусда тўхталмаган.

Шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, 1311 ҳижрий-қамарий санада Сўфи Аллоҳёрнинг «Саботул-ожизин» асари Истанбулда «Ширкати саҳофияи эронийя» матбаасида нашр бўлган. Шу асарнинг сўнгида мутасаввиф шоирнинг 85 байтдан иборат форсча «Дар баёни қавоиди ҳаж» (ҳаж қоидалари баёни ҳақида) манзумаси илова этилган. Асар:

*Эй ёри меҳрибон, агар аз ман чуго равп,
Дар ҳифзи Ҳақ таол равп, ҳар кучо равп.*

(Эй меҳрибон ёр, агар мендан айрилиб кетсанг, қаерга борсанг ҳам Ҳақ таолонинг ҳифзи - ҳимоятида бўл.)

байти билан бошланиб, қуйидаги мисралар билан тугалланади:

*Аллоҳёри хаста, дуо мекунад, дуо,
То гар паноҳи ҳазрати мушкулкушо равп.*

(Хаста Аллоҳёр мушкулларни осон қилувчи ҳазрат (Парвардигор) паноҳида боришинг учун қайта-қайта дуолар қилади.)

Мазкур манзумада шоир ҳаж қилишнинг тартиб-лари, муборак жойларни зиёрат қилиш одоблари ва ҳажни адо этиш тарихи билан боғлиқ бир қатор масалаларни батафсил баён қилиб берган.

Назаримда, Сўфи Аллоҳнинг ҳаж қилганлиги ё қилмаганлиги ёки ҳажга оид асар ёзган-ёзмаганлиги ҳақида илмий ва асосли муносабат билдирилиши керак.

Ҳикояти Абу Ҳафзи Кабир раҳматуллоҳи алайҳ

Хожа Абу Ҳафзи Кабир раҳматуллоҳи алайҳдин ривоят қилурлар. Абу ҳафзи Кабирга пирлари: «Бухороға бориб, халойиққа йўл кўрсатинг ва насиҳат қилинг» — деб ижозат бердилар. Шундан кейин Хожа Абу ҳафз хотунлари билан машварат қилиб: «Ман эмди Бухороға бориб ваъз айтишим керак»,— дедилар. Хотунлари кўб меҳрибонлик бирлан айдилар: «Эй улуғлар имоми, мундин илгари эгасидин сурамай бирор нарса еб эрдингизму?». Хожа айдилар: «Норасидалигимда (болалигимда) бир кун оташпараст кофирлар кўчасидин ўтарда уларнинг саройиға кириб гандано (пиёз ва саримсоққа ўхшаш ўсимлик)нинг баргини берухсат узуб олиб едим. Хотун сани саволинг бирла эсимга ул гуноҳим келди, бўлмаса ёдимда йўқ эрди. Мисраъ:

«Чиқиб эрди эсимдин ул гуноҳим».

Хотун айди: «Эй хожа, бир кишининг ганданосини ҳақи сизнинг елкангизда экан, бирор кимсага насиҳат қилсангиз, нафасингиз таъсир қилмас. Бу гуноҳкорлик бирла уёлмайсизму, Бухороға бориб ваъз айтарман дегани?» Хожа бу сўзни эшитиб, ул ганданонинг эгаси тарафига ошуқуб, шошиб югурди. Кўзларидан ёшлари оқар эрди. Хожа ганданонинг эгасини топиб: «Рози бўл»,— деб кўп ялиниб-ёлворди. Эгаси асло рози бўлмади. Хожа айдилар: «Эй биродар, ўша барги ганданойинг ҳақи учун

майли юз танга берай?» — дедилар, барибир қабул қилмади. Охир-оқибат ул одам: «Эй хожа, эртага рози бўлиш бўлмаслигимнинг жавобини айтгаймен», — деб уйига кетди. Хожа шул тун Худога зор-зор йиғлаб: «Худоё, тонгла қиёмат санга не жавоб берурман», — дер эди. Сўнгра ул оташпараст, ўз хотунининг олдига бориб ўтган воқеаларни бир-бир баён қилди. Хотун бу воқеаларни эшитиб, ўрнидин сачраб туруб айтди: «Бир барги гандано учун ул одам мундоғ таваллолар қилиб, қизил юзин сандек динсиз кофир олдида саргайтирган экан, унинг дини ҳақ дин экан, унинг динин иштиёр қилғил, ҳақиқий дин ўша дин экан!» — деб иковлари дод-вой солиб йиғлаштилар. Бу қоронғу олам кўзларига равшан бўлди. Буларнинг ҳолини кўруб, бўлган воқеаларни эшитиб, унинг барча хеш-ақроболари, туғушгонлари — ҳаммалари мусулмон бўлдилар. Ул олижаноб, муаллиял алқоб (олий ном-насабли)нинг бир кўрқонларидин ва арзимас нарсадин парҳез қилгонлари сабабидин ул шаҳарда бирор кофир қолмай барчаси мусулмон бўлдилар.

Ҳикояти Ибни Мукаддар раҳматуллоҳи алайҳ

Ибни Мукаддар раҳматуллоҳи алайҳ намоз вақтида, ўзларидин кетти. Бир соатдин кейин ўзларига келди. Халойиқлар бу ҳолат сабабини у зотдин сўрадилар. Ул шоҳбоз яхши бахтлиқ эрдилар, айдилар: «Эй биродарлар, бир улуғ гуноҳим ёдимга тушди. Бир замонлар бир жойга боротурур эрдим, ногоҳ бир боғ ёнидин ўтгум. Юзимни ул боғ тарафига қаратдим ва ижозатсиз гулларидан искадим. Қиёмат бўлгач, Қаҳҳор отлиғ Худойим бу ёмон феълимдин савол қилиб: «Эй бандам, дунёда бандалиқ лофини урдинг, на учун бировнинг боғидаги гулини сўрамай искадинг? — деса, ман шарманда ул вақтда на жавоб бергайман, не учунким азоби қаттиғ ва ҳайбатлиқдур».

Эй биродарлар, Ибни Мукаддар бир гулни узмай ва боққа кирмай ислаганига мундоғ ҳасрат ва надомат қилиб пушаймон еб, эсидин кетиб йиғлади. Вой, сиз ва биздек юзи қаро, ҳоли табоҳ, гумроҳлар аҳволиғаким, қиёмат куни ҳаммани гамга соладиган гам ели туради. Яъни савол-жавоб бошланганда, Худонинг қаҳридин юлдузлар тўкулгай, мундоғ офтоб ёруғлиғи бирла қаб-қаро бўлгай ва бу маҳкам тоғлар ва ерлар юнгдек титилиб кетгай ва бунингдек улуғ осмон тешук-тешук ва пора-пора бўлгай. Ул қиёмат кунининг ваҳмидин ёш баччалар қариб қолгай, ул вақт эркаклар ва хотунлар парвонадек саргардон бўлгай. Ва яна беҳишт ва дўзахни ошкор қилур ва тарозуни ва сиротни тайёр қилур, ҳазрати Худойи таоло ҳалол ва ҳаром ва шубҳали нарсалардан сўрар: «Не учун мундоғ гуноҳлар қилдинг? Мен сенинг Худойинг амримни буюриб ва наҳидин сени қайтарган эрдим ва барча аъзоларинг саломат қилган эрдим. Ўз фойдангни билмасдин, не учун ўзингга зиён қилдинг?» деса, шармандалиқдан бўлак на жавоб берурмиз. У вақтда бир қатра сувдан (манийдан) яралган биздек инсонларнинг ҳолига вой! Магар Худойи азза ва жалла гуноҳимиз устига афв пардасини ёпса, нажот топурмиз. Ва агар қудратли ва бағишловчи Худойи азза ва жалла гуноҳимизни авф этмаса, азобға лойиқ юзи қаролардин бўлурмиз¹.

¹Мазкур икки ҳикоя «Маслак ул-муттақин»нинг таржимаси «Ҳидоят ул-муттақин» асаридан олинди.

«МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН» ВА «САБОТ УЛ-ОЖИЗИН» АСАРАРИ

Сўфи Аллоҳёр «Сабот ул-ожизин»нинг хотима қисмида форсий тил билан «Фатво ва Тақво» («Маслак ул-муттақин») китобини ёзганлигини эслаган. Бу ҳақда рисоламизнинг бошида тўхталиб ўтган эдик. «Сабот ул-ожизин» асарининг ёзилиш сабабларидан бири Сўфи Аллоҳёр «Маслак ул-муттақин»ни ёзиб тугатгандан кейин «туркий ёронлар» ундан туркий тил билан ақида, паңду ҳикматлар битишни илтимос қилганлар:

*Ёзилди форсий тил бирла мактуб,
Ақойидоти фуруъи маҳбуб.
Аниким, кўргилар туркий ёронлар,
Дегилар, гар дуо қилса эранлар.
Битилса туркий тил бирла ақида,
Кўнгуллар бўлса андин орамидга.*

* * *

*Аларнинг сўзларини бузмайин зор,
Савод этдим неча манзума ночор.
Ақида сўзларини қилдим исбот,
Анга қўйдим «Сабот ул-ожизин» от¹.*

«Маслак ул-муттақин» ва «Сабот ул-ожизин»да жуда кўп ғоявий ва маънавий томондан бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдирадиган байтлар мавжуд. Ҳатто айрим байтлар форсийдан туркийга таржима қилингандек таассурот қолдиради. Баъзи ўринлар қиёсланганда ҳақиқатан шундай ҳол кўзга ташланади. Лекин ўзининг хос хусусиятлари билан иккала китоб икки мустақил асар ҳисобланади. Сўфи Аллоҳёр Ислом дини, тасаввуф, одоб-ахлоқ ва маънавиятга доир қарашларини, фикр ва туйғуларини иккала асарда ўзига хос шакл ва мазмун асосида баён этган.

¹ Сабот-ул-ожизин. 9-10-бетлар.

«Маслак ул-муттақин» ва «Сабот-ул-ожизин»ни икки мустақил асар эканлигини таъкидлаган ҳолда, қуйидаги форсий ва туркий (ўзбекча) байтлар қиёс қилинса, туркий шеърларнинг форсийдан таржима қилинганлиги ёки унинг таъсирида ёзилганлиги сезилиб туради. Бу ҳол валий ва санъаткор шоирнинг ҳар икки тилда балоғат ва фасоҳат билан ёза олиш қобилиятидан дарак беради. Мисолларга мурожаат этайлик:

«Маслак ул-муттақин»да:

*Хориқиқи, зи анбиё бинмуг,
Ба яқин фаҳм кунки, мўъчиза буг.
Лек қабл аз нубувват аст ирҳос,
Донаг ин масъала тамомии нос.
Аз мусулмонони солиҳи тоҳир,
Дон каромат, агар шавад зоҳир.
Бошад аз мўъмини авом чунон,
Ту каромат магон маунат дон.*

«Сабот ул-ожизин»да:

*Набийдин хориқи одатни таъйин,
Дегилар мўъжиза, э толиби дин.
Нубувватдин бурунни герлар ирҳос,
Муни билсанг керакдур айюҳаннос.
Агар солиҳ кишидин бўлса ҳар гоҳ,
Кароматдин бўлур бешакку ашбоҳ.
Кўрунса бир авом мўъмин ишидин,
Маунатдур ўшал айғон кишидин...*

«Маслак ул-муттақин»да:

*Руъяти Ҳаққ, чоиз аст баақл,
Балки воқиб дар оҳират биннақл.
Менамоёг ба бандагон хованг*,
Бечихат, бемакону бемонанг.*

* Худованд маъносида.

Он, ки фаҳмонг будани худро,
Хўб донаг намудани худро.
Як сифат аз сифати ўст калом,
Гуфтани ўст безабон беком.
Ин бамаҳлуқ ҳожат аст илоҷ,
Нест холиқ ба ҳеч шайъ муҳтоҷ.

«Сабот ул-ожизин»да:

Тирилсанг охиратга, э харидор,
Худойим кўрсатур дўстларга гуйдор.
Вале кўрмакни бечуну чунон бил,
Жиҳатсиз бил, мислсиз, бемакон бил.
Ўшалким, билдиур бешаклигини,
Билур ул яхши кўрсатмаклигини.
Билур ҳар огамеки бўлса эси,
Калом эрмиш сифотининг бириси,
Каломи ҳодис эрмасдур, ҳадим бил,
Анинг айғон сўзи бекому бетил.
Халойиқ сўзламас бекому тилсиз,
Худо муҳтож эмас, ҳеч ишга ҳаргиз.

«Маслак ул-муттақин»да:

Лек зи аъмоли банда, эй огам,
Нури иймон шавад зиёдаву кам.
Варна иймон зиёдаву кам нест,
Ҳарки, инро надонаг огам нест.

«Сабот ул-ожизин»да:

Амал қилмоқдин аҳли истифода,
Дедилар нури иймондур зиёда.
Вагарна бўлмас иймон зоиду кам,
Ақида булдур, эй фарзанди огам.

Хуллас, маъно жиҳатидан ўхшаш бўлган бундай қиёсий байтлар шоирнинг икки тилда ҳам мукамал ижод эта олиш қобилиятига, «Аллоҳ берган» фазилатга эғалигидан далолат беради.

«МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН» АСАРИНИНГ ТАРЖИМАСИ

«Маслак ул-муттақин» асари туркий тилига «Ҳидо-
ят ул-муттақин» деган ном остида насрий таржима
қилинган, унинг қўлёзма нусхалари баъзи жойларга
айниқса, Сайрам ва Тошкент атрофига тарқалган.
Бироқ, қандайдир сабабларга кўра чоп қилинмаган?

Биз «Ҳидоят ул-муттақин»нинг икки нусхасини
кўздан кечирдик. Бири Абу Райҳон Беруний нусхасини
Шарқшунослик институтида №12180 рақам номидаги
ланаётган қўлёзма бўлса, иккинчиси шу остида сақ-
илмий ходим бўлиб ишлаётган таржимоннинг Институтда
Акрам Ҳабибуллаевнинг шахсий кутубхонасида эвараси
наётган нусхадир. Айнан мана шу нусха остида сақла-
камал бўлгани учун эътиборни унга қаратдик, ва му-
Китоб 305 варақ, ўлчови 15,5x26, сатридик.

стаълиқ, матн қора ва қизил сиёҳларда ёзилган бўлиб,
котиби номаълум. Китоб шу сатрлар билан бошланган:

«БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ»

«Раббано ло туохизно ин насино ав ахтаъно» —
оятдан кейин «Сипос ва шукри беқиёс ул Худойга-
ким...» деб бошланади. Мутаржим меҳрибон қодир Ал-
ломга дурудлар айтади. Сўнгра китобнинг алайҳисса-
бабларига тўхталади: «Ҳамд ва дуруддин сўнгра бу бан-
даи гуноҳкор Худонинг раҳматидан умидвор осий ва
ри баракотлик, хужаста сифотлик, мутаолий машоъих, зотла-
лик, нусрат ободлик, фаришта сиёдлик, хурида даражот-
лик, авлиёлар далили, уламолар далери, борғоҳи кулоҳ-
нинг маҳрами, ҳасаби саййидийнинг ҳамдами, йўл кўрса-
тувчилар пешвоси, тақводор ва парҳезкорлар муқтадо-

си, масалаи румуз (рамз)ларин очқучи, орифлар сарвари ва машойихлар раҳбари, расул алайҳиссалом шариатларин барпо қилғучи, жону дил бирла ҳақиқат ва тариқатни тутқучи, илми ҳол ва илми қолнинг комили ва оёт-ҳадис ва амри маъруфнинг олими, диннинг ривожии, авлиёлар тожи, ҳар бир сўзи мамлакатлар хирожи» «соҳиб-ул-каромати вал кушүфоти жоми-ул-фуруъи вал усули ва ҳодиил-манкули вал-маъқул» фақоҳат паноҳ ва диёнат дастгоҳ, ҳазрати эшон Сўфи Аллоҳёри мингалий қуддиса сирруҳу «Маслак ул-муттақин»ни тасниф қилиб, «Сабот ул-ожизин»да меҳрибон бўлган эканлар.

Байт:

Бишилди форсий тилдин китобе,

Тамом анда масоилни жавобе.

Ҳама тақвову фатвонинг баёни,

Ҷн икки мингдин ортуқ байти они, -

деган меҳрибонликларин бир неча камқувват ва форсийдин беҳабар толиблар кўруб, бу зарраи бемиқдор ва камбизоат зоҳир ва ботинда нобино ва ланпо (чўлоқ) фақири ҳақир Ҳафиз Хўжанинг ўғли Қўзи Хўжаи бефаросат ва кам каёсат нолюйиқни бу амри шарифга лойиқ кўруб, илтимос қилдиларким: «Ҳазрати Эшон Сўфининг бу китоби табарруқларидан бизлар беҳабармиз. Керакким, туркий бўлса, бизлар ҳам фаҳм қилиб, баҳра олсоқ ва ҳол-қувватимиз боринча амал қилсоқ ва бизлардин сўнгиларга ҳам нусха бўлур ва тақи неча толиблар йўл топиб, Худойи азза ва жалла тавфиқи бирла йўлга кирсалар», — деб, илтижо қилгондин кейин бу фақири бебаҳра заруратдин «Аз зарурату юбиҳул маҳзуроти» (зарурат манъ қилинганларни мубоҳ (раво) қилди)ни ёдға олиб, ҳазрати қутби авлиёнинг руҳи покларидин мадад талаб қилиб, «Маслак ул-муттақин»ни туркий қилмоққа шуруъ қилдим», — дейди.

Мутаржим камтарлик юзасидан ўзини камсавод ожиз билиб, Худодин мадад ва истионат тилаб яна ёздики: «Китобни ибтидо қилдим. Бу китобга «Ҳидоят ул-муттақин» от қўйдим. Ҳар бандаи мусулмон ўқуб, дуода ёд қилгай. Валлоҳул ҳодий. Китобнинг охири шундай тугайди: «Илоҳи, жамии уммати Муҳаммадга, хусусан, бу камина фақири ҳақир котибга охир дамда иймон рўзи қилгайсан. Омин ва рабб-ул-оламин. Бираҳматика ё арҳамар роҳимин. Аллоҳуммағфирли вали волидаийя валижамийил мўъминина вал мўъминот вал муслимина вал муслимот. Ал аҳёу минҳум ва амвот. Иннака мужибуд даъвот ва мунзилул баракот ва қозиюл ҳожот» (Эй бор Худоё, мени мағфират (гуноҳлардан пок ва озод қил) ва барча мўъмин, мўъминот ва муслим, муслимотларнинг тирикларини ва ўлганларини ҳам мағфират қил. Албатта, Сен дуоларни ижобат қилувчи, баракот берувчи ва ҳожатларни чиқарувчисан). Сана 1293". (Бу сана мелодий 1876 йилга тўғри келади).

Охирги саҳифада котиб томонидан бир қанча форсий ҳикматли байтлар ёзиб қолдирилган. Жумладан, китоб қуйидаги байтлар билан тугалланган:

*Шуғ батавфиқи Худои ло яном,
Ин китобат рузи чумъа шуғ тамом.*

(Ухламайдиган Худонинг берган тавфиқи билан бу китоб жумъа куни кўчириб тугатилди).

*Эй карамат беҳаду ман бенаво,
Даст тиҳи, боз магардон маро.*

(Эй (Аллоҳ), сени караминг кенгу мен эсам бенаво (ҳожатманд). (Караминг умидида чўзилган) қўлимни қуруқ қайтарма). 1293 (1876).

Албатта, бундай салмоқли китобнинг таржимасига, унинг ютуқ ва камчиликларига бу кичик рисоламизда тўхташ имконига эга эмасмиз. Қолаверса, биз бу ки-

тобни нашрга тайёрлашга киришдик. Худо хоҳласа, ўқувчилар қўлига етиб борганда муносиб баҳосини топишига ишонамиз.

Шубҳасиз, бугунки кунда форсий ва туркий халқларнинг мўътабар китоби бўлган «Маслак ул-муттақин»ни қайта таржима қилиш, илмий асосда таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда қиёсий ўрганиш навбатдаги муҳим вазифаларимиздан биридир.

Яқин келажакда бундай хайрли ишларнинг амалга ошишидан умид қилиб қоламиз. Аллоҳ илму ирфон ва эзгу ишларга муваффақ айласин!



«ФАТВО ВА ТАҚВО» РИСОЛАСИ ҲАҚИДА

Сайфиддин Сайфуллоҳ истеъдодли ва заҳматкаш олимларимиздан биридир. Унинг саъю ҳаракати туфайли Ҳаким Ота Боқирғоний шеърлари, «Қиссаи Шоҳ Машраб», Азим Хожа Эшон «Ҳикмат»лари, «Ҳазрат Али ҳақида қиссалар» нашр бўлди. Сайфиддин Сўфий Аллоҳёр адабий мероси устида ҳам илмий-текшириш ишини олиб бориб, мазкур илмий-адабий рисола ни ёзган. Ушбу рисола улўф мутасаввиф шоирнинг тожик тилида ёзган фикҳий асари «Маслак ул муттақин»га бағишланган. Рисола муаллифнинг фикрича, бу асар Сўфий Аллоҳёрнинг ҳажман катта ва сермазмун асарларидандир. Мазкур асар муаллифнинг бошқа асарлари каби ислом аҳкомлари, комил мусулмонларнинг имону эътиқоди, шариат талабларини шеърий йўсинда баён қилиб беради, аҳли мўминни тақво ва тоатга даъват этиш асарнинг бош мақсадидир. «Маслак ул муттақин» Ўрта Осиё мусулмонлари орасида кенг тарқалган. Сабаби у содда тилда ёзилган. Сўфий Аллоҳёрнинг мақсади ҳам шу эди. Зеро, форс тилида ҳам илмий ва ҳам насрий ёки назмий йўсинда ёзилган диний асарлар кўп. Аммо Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Ҳисор ва бошқа ерларнинг ўзбеклари каби тожиклари ҳам мураккаб форсий китобларни тушунишга қийналардилар. «Чор китоб» каби китоблар мактаб болаларига мўлжалланган бўлиб, катталар учун кифоя қилмади. Сўфий Аллоҳёр ана шу эҳтиёжни сезади ва ўзининг икки тилда баравар ижод қила олиш қобилиятидан фойдаланиб, аввал тожик тилида «Маслак ул муттақин»ни, сўнгра ўзбек тилида «Саботул ожизин» ёзади. Асар ҳозир ҳам айна зарур китоблардандир.

Сайфиддин рисола ни содда, оммавий тилда ёзилган, унинг қиммати шундаки, улкан шоирнинг адабиёт та-

рихидан муносиб жой олган асари биринчи марта ба-
тафсил таҳлил этилади, Сўфий Аллоҳёр таржимаи ҳоли,
адабий мероси, гоялари дунёсига оид муҳим маълумот-
лар келтирилади. Рисола муаллифи асарнинг муңдари-
жа-мазмунини очиб берган, келтирилган шеърый пар-
чаларни аниқ таржима қилган.

Рисоланинг тожикча матнлари ҳозирги тожик им-
лосида бўлгани янада фойдалироқ бўлибди.

Умуман, «Фатво ва тақво» рисоласи қизиқарли ва
фойдали китобдир. Унинг нашр этилиши зарур, китоб-
хонлар катта меҳр билан қарши олади, деб ўйлайман.

Нажмиддин Комилов
Филология фанлари доктори,
профессор.

«МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН» – МЎЪТАБАР МАНБА

Сўфий Аллоҳёр ҳазратларининг «Маслак ул-мутта-
қин» асари ёзилгандан буён то ҳозирги кунга қадар ҳана-
фий мазҳабидаги мусулмонларнинг, айниқса фикҳ илми
билан қизиқувчи уламоларнинг диққатини ўзига жалб
этиб келади. Асар форс тилида битилган бўлса-да, ун-
дан бошқа тилларда сўзлашувчи китобхонлар ҳам кенг
фойдаланадилар, чунки олдиндан ислом манбалари Мо-
вароуннаҳрда асосан араб, форс-тожик ва турк-ўзбек
тиларида ёзилар ва олиму алломалар уларнинг ҳамма-
сини бемалол мутолаа қила олар эдилар. Лекин шунга
қарамай кейинги бир аср мобайнида форс-тожик ада-
биёти билан шуғулланиш, ўрганиш ва оммалаштириш
ишлари айниқса Ўзбекистонда анча сусайиб қолган эди.
Хусусан диний адабиётлар ичида араб ва форс тилида
битилганларини тўла мутолаа қиладиган олимлар ҳам

жуда камайиб кетган эди. Беадад шукрлар айтамикки, жумхуриятимиз мустақиллиги туфайли яна қайтадан диний ва миллий қадриятларимиз тиклана бошлади. Тафсир, ҳадис, фикҳ, тасаввуф каби мавзуларга олимларимиз бемалол мурожаат қиладиган бўлишди.

Шу олимлар қатори Сайфиддин биродаримиз араб, форс тилида ёзилган диний ва тасаввуфий асарларни таҳлил ёки таржима қилишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Унинг форс-тожик тилини яхши билиши ва илмий соҳадаги кўп йиллик машқ ва тажрибалари ҳозирда яхши самара бермоқда.

Мен камина «Маслак ул-муттақин» китобини бир пайтлар устоз ҳузурида дарслик сифатида мутолаа қилганман. Шу боис унинг мазмун ва аҳамиятини яхши идрок этаман.

Сайфиддин бу асарни чуқур мутолаа қилиб, туб мазмунига етиб ундан сўнг таҳлил қилганлиги битикларидан аён бўлиб турибди. Назмий асар, унинг устига араб, форс тилидаги диний терминлар, қадимий фикҳий асарлар ва уларнинг муаллифларининг номларини тўғри таъбир қилиш ва таржимаси билан китобхонга тақдим этиш ҳар қандай ижодкорнинг ҳам қўлидан келавермайди. Китобга «Фатво ва тақво» деб ном бергани ҳам бежиз эмас, чунки асарда шариат аҳкомларини маромига етказиб, имкони борича бекаму кўст бажариб, тақвога интилувчи мусулмонлар учун етарли кўрсатмалар бор, муҳим фатволар берилган. Шунинг учун мазкур асар таҳлили Сайфиддин Сайфуллоҳ томонидан муваффақиятли ва пухта бажарилган дейишга асос бор. Унинг кейинги ижодий ишларида ҳам улкан ютуқлар тилаб қоламан.

Абдулазиз Мансур
Тошкент Ислом Университети
проректори.

МУНДАРИЖА

Сўфи Аллоҳёрнинг ҳаёти ва «Маслак ул-муттақин» асари ...3	
«Маслак ул-муттақин» ва «Сабот ул-ожизин» асарлари.....38	
«Маслак ул-муттақин» асарининг таржимаси.....41	
«Фатво ва тақво» рисоласи ҳақида (Н.Комилов).....45	
«Маслак ул-муттақин» - мўътабар манба (А.Мансур).....46	

Муҳаррир:

Умурзоқ Ҳожи ЗОКИР ўғли

Компьютер устаси:

Камолиддин КОМИЛЖОН ўғли

Босишга рухсат этилди 21.06.04. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет қоғоз. Босма табағи 1,625. Шартли босма т. 1,51. Буюртма № 41 1000 нусхада. Келишилган нарҳда.

ЎзРФА «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, акад.
Яҳё Фуломов кўчаси, 70.

«Yoshlar matbuoti» босмаҳонасида чоп этилди.
700113 Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

سيف الدين سيف الله



فتوى و تقوى کتابى

